

# **Қорақалпоғистонлик бир гуруҳ фаоллар «Маънавият фидойиси» кўкрак нишони билан тақдирланди**

Бугун Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида 21 октябрь - Ўзбек тили байрами куни муносабати билан тадбир ўтказилди. Унда бир гуруҳ қорақалпоғистонлик фаоллар «Маънавият фидойиси» кўкрак нишони билан тақдирланишди.

Ушбу эътирофга қуйидагилар муносиб кўрилди:

Фарход Бабаджанов - Қорақалпоқ давлат университети доценти, филология фанлари номзоди;

Отарбаев Рауаж - Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир;

Қурбанбаева Мунаввара - Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Беруний туман ҳокими ўринбосари, туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари;

Аяпов Шарапатдин - Республика Маънавият ва маърифат маркази Қорақалпоғистон Республикаси бўлими иш юритувчиси.

Мукофотларни Жўқорғи Кенгеси раиси ўринбосари Атабек Давлетов топширди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Манба [Қорақалпоғистон хабарлари](#)